

## XIX-XX ACSRALARGA OID XOTIN-ĶIZLAR AN'JANAVIY LIBOSLARINING SHAKLLANIshi

Юлдуз Анваровна Гайбуллаева

*Тошкент шаҳари Вебстерь университетининг, таълим дастурларини амалга ошириши марказининг илмий ишлар ва инновациялар бўйича директор ўринбосари*

Ўзбек халқининг миллий кийим-кечакларининг вужудга келиши ва такомиллашиб бориши бевосита унинг этник шаклланиши жараёни билан боғлиқдир. Чунки миллий лиbosларда ҳар бир инсон, ҳар бир халқнинг фақат ўзигагина хос хусусиятлари, дунёқараши, мафкураси – бир сўз билан ифодаланганда, миллий ўзлиги намоёндир. Ўзбек халқ миллий лиbosлари коммуникатив белги бўлиб, улардан инсонларнинг оиласвий, мулкий ва ижтимоий ҳолати намоёндир. Жаҳонга машхур ёзувчи сэр Артур Конан Дайл даҳоси билан дунёга келиб, дунёни забт этган аллома изқувар Шерлок Холмс ҳузурига келган ҳар бир мижознинг кийим-бошларига қараб, унинг қасб-кори, ёши, майллари, фикрлаш даражаси ва одатларини аниқ айтиб бера олган.

Тадқиқотчиларнинг фикрича, ўзбек хотин-қизлари кийим-кечаклари кўзгу мисол, улар соҳибларининг ҳаётидаги у ёки бу воқеалардан ҳикоя қиласди. Бу вазиятни белбоғ, камар, ёқа, бош кийими ва бошқа безакдор композиция элементлари бажаради<sup>1</sup>. Масалан, Амударё соҳилида истиқомат қилувчи ўзбек хотин-қизлари қизил рангдаги бош кийимларда юришган, фақат ўғиллари уйлангандан сўнг уни оқ рангга алмаштиришган. Бухоро хотин-қизларининг байрам лиbosи (костюми) кенг шаклдаги кўйлаклардан иборат бўлиб, узун қулочли, безакдор матолардан тикилган, зеб-зийнатлари қўшалоқ бўлган.

Ҳар бир айрим этник ёки ижтимоий гурухнинг кўп асрлик тарихий жараёнида лиbosларнинг рангдор пластик таркиби ва эстетик пластик концепцияси ташкил топди. Матолардан фойдаланишининг умумий қоидаларидан ташқари, ҳар бир худуд – регионнинг кийим-кечаклари бичими, эни ва узунлиги бўйича ўзига хос шакли вужудга келди. Ўзбек хотин-қизлари миллий лиbosларининг табиий иқлим шароитларига мослашуви кийим-

<sup>1</sup> Храпченко М.Б. Природа эстетического знака (Семантика и художественное творчество. М.: Наука, 1977, с.17; Ремпель Л.И. Роль поэтической метафоры и символа в декоративно-прикладном искусстве (Советское декоративное искусство. М.: Советский художник, 1983, С. 177-179.

кечакларнинг ҳар хил турлари ва ранг-бараңг мөдицинацияларини вужудга келтириди.

Ўтрок дехқончилик районларида кийим-кечакларнинг кўхна, тўғри чизиқли шакли қарор топди. Чорвачилик ва кўчманчилик районларида эса, кулай ва одми кийим-кечаклар расм бўлди.

XVI-XVIII асрларда Туркистоннинг уч ўзбек хонлигига (Бухоро, Хива, Кўқон) бўлиниб кетиши натижасида ўзбек хотин-қизлари миллий либосларидағи услуб шакл-шамойилларидағи умумийлик уч гуруҳга: ғарб, шарқ ва марказий гуруҳларга ажралиб, ҳар бирининг ўзига хос худудий фарқлари таркиб топди. Уларнинг ҳар бирида ҳудудлар бўйича қўшимча ва майда турлар ҳам вужудга келди. Бу бир районда яшовчи турли этник гуруҳларнинг ўзаро маданий ассимляцияси натижасида рўй берди<sup>2</sup>. Либослар характеристига табиий-иқлимий шарт-шароитларининг таъсири салмоқли эди. Масалан, тўғри, эркин турувчи кийимлар Ўрта Осиёning кескин континентал иқлимига асрлар давомида мослашиш натижасида юзага келган. Улар иссиқ иқлим шароитида танага сунъий микроиқлим яратиб, кишидаги тетикликни ва ишлаш қобилиятини асраган<sup>3</sup>. Хотин-қизларнинг кийимлари этакларининг трапециясимон кўринишлари майший муҳит шароити ва арйим-айрим этник гуруҳларнинг ижтимоий хўжалик турмуш тарзидан келиб чиқкан.

Ўзбек хотин-қизлари миллий либосларининг шаклланишида анъанавий – бадиий ҳунармандчилик соҳалари, хусусан, қаштачилик, зардўзлик, тўқимачилик, заргарлик санъатининг таъсири катта бўлган.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

- Горшунова О. В. Внешний облик узбекской женщины: эволюция эстетических представлений.
- Abdurahmanova, M., & Nurmatova, S. (2022). QORA RANG TALQINI HAQIDA. FAN, TA'LIM, MADANIYAT VA INNOVATSIYA, 1(2), 74-78.
- (конец XIX - конец XX в.) . ... – 5 №. – С. – 29.
- Полвонова Б. Эмансипация мусульманки. – Москва: 1982. – С. 204.
- Нишонбоева Қ. В. Ўзбекистонда хотин-қизлар масаласини ҳал этишнинг маданий жиҳатлари. Тошкент: 1998. - Б. 120;
- Ergashevna, S. N. (2021). LATEST DEVELOPMENT OF THE ART OF BAKHSHI IN UZBEKISTAN. ANGLISTICUM. Journal of the Association-Institute for English Language and American Studies, 10(8), 49-55.
- ЎзР МДА, Р-736- жамғарма, 1-рўйхат, 932-иш, 67- варақ.
- ЎзР МДА, Р-737- жамғарма, 1-рўйхат, 836-иш, 118-варақ.
- ЎзР ПДА, 58- жамғарма, 13-рўйхат, 1265-иш, 3- варақ.

<sup>2</sup> Ундерова Л. Узбекская народная одежда конца XIX-XX вв. Ташкент: Фан, 1994. С.17.

<sup>3</sup> Калмыков П.Е. Методы гигиенического исследования одежды. Ленинград, 1960, С.50.

10. Известия ЦК РКП(б). 1929. - № 7. - С. 5.
11. Янги йўл. 1929. - № 11. – Б. 7.
12. Ислам и женщины Востока. - Ташкент: 1990. - С. 58.
13. Алимова Д.А. Женский вопрос в Средней Азии. ... - Б.55;
14. ЎзР МДА, 736- жамғарма, 1-рўйхат, 933-иш, 172- варак;
15. Худжум-значит наступление. Ташкент: 1987. - С. 20.
16. Ўз Р ФА ЎТДМ Эф. Инв. № Э 6456. Колл. 95–62.

